



DESCRIPTION AND SPECIFIC ASPECTS OF CRIMES COMMITTED THROUGH ELECTRONIC MEANS OF PAYMENT

Mekhroj Khidirov

Master's student

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: mexrojxidirov111@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: "Nigerian letters" (Nigeriyskie pisma), "phishing", "vishing", "pharming", Cyber fraud, cyber crimes, cyber security, information technology crimes, information technology crimes, electronic crimes

Received: 10.04.25

Accepted: 12.04.25

Published: 14.04.25

Abstract: This article analyzes the description and characteristics of crimes committed through electronic means of payment. In addition, the analysis of crimes committed by stealing bank cards, payment details, passwords, spreading viruses, breaking into computer systems in the field of information technology is also described.

ЭЛЕКТРОН ТҮЛОВ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАР

Мехројж Хидиров

Магистратура талабаси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси

Toшкент, Ўзбекистон

E-mail: mexrojxidirov111@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: "Нигерия ҳарфлари" (Нигерийские письма), "фишиング", "вишинг", "фарминг", Киберфирибгарлик, кибержиноятлар, киберхавфсизлик, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар, ахборот технологияларидан фойдаланиб, содир этилган жиноятлар, электрон жиноятлар

Аннотация: Мазкур мақолада электрон түлов воситалари орқали содир этиладиган жиноятларнинг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Бундан ташқари, ахборот технологиялари соҳасидаги банк карталари, түлов реквизитлари, паролларни ўғирлаш, вируслар тарқатиш, компьютер тизимларини бузиш орқали содир этиладиган жиноятлар таҳлили ҳам баён этилган

ХАРАКТЕРИСТИКА И ОСОБЕННОСТИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШАЕМЫХ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЭЛЕКТРОННЫХ СРЕДСТВ ПЛАТЕЖА

Мехроҷе Хидиров

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: mexrojhidarov111@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: «Нигерийские письма», «фишинг», «вишинг», «фарминг», Кибермошенничество, киберпреступления, кибербезопасность, преступления в сфере информационных технологий, преступления в сфере информационных технологий, электронные преступления

Аннотация: В статье анализируются описание и характеристика преступлений, совершаемых с использованием электронных средств платежа. Кроме того, дан анализ преступлений, совершаемых путем хищения банковских карт, платежных реквизитов, паролей, распространения вирусов, взлома компьютерных систем в сфере информационных технологий.

Замонавий ижтимоий ҳаёт ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникацион технологияларсиз тасаввур килиш жуда қийин. Мисол тариқасида кунлик ҳаётимиз давомида мобиль телефонимиз энг камида бизнинг бошқа шахслар билан шахсий ёки иш юзасидан мулоқотга киришишимизни таъминласа, ундаги қўшимча имкониятлар орқали биржа, савдо, ишлаб чиқариш ва унинг назорати, логистика каби кўплаб масалаларни ҳал этишда ўзига хос ёрдамчига айланиб ултурган.

Ижтимоий муносабатларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишининг бундай кенг тус олиб бораётганлиги, унинг глобал характерга эга эканлигидан далолат бермоқда. Ихтиро қилинган ва ижтимоий муомалага киритилган шундай ахборот-технологиялари мавжудки, улар ёрдамида инсонлар ўз фаолиятларини юритиш, зарурий маҳсулотларни сотиб олиш, турли хизматлардан фойдаланиш, пул маблағларини жўнатиш ва қабул қилиш, бир-бирлари билан мулоқот олиб бориб, маълумот алмасишишмоқда.

Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва кишилик жамиятининг барча соҳаларида Интернетдан кенг фойдаланиш кундалик фаолиятнинг бир қисмини ташкил этиб, хизмат кўрсатиш, илм-фан, таълим, электрон тижорат, шунингдек, замонавий инсоннинг фикрлаш тарзига ўзининг ижобий таъсири билан кириб келди. Ҳаёт сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ушбу ўзгаришлар билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шаклларини ривожлантиришга кулай шароитлар пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур жиноятлар ўз навбатида "Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар" (электрон жиноятлар) деб номланади.

Ахборот технологияларининг кенг миқёсда ривожланиши бир вақтнинг ўзида кўп турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон яратди, шу сабабдан Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур соҳани тартибга солишга доир қатор норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Хусусан:

- Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ти Қонуни;
- “Киберхавфсизлик тўғрисида”ти Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ти 2019 йил 14 сентябрь кунги ПҚ-4452-сонли қарори.

Бундан ташқари мазкур соҳани тартибга солиш мақсадида бир қатор халқаро хужжатлар ҳам қабул қилинган бўлиб, булардан,

- Интернет ва компьютер тармоқлари, ахборот технологияларидан фойдаланиб, содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш бўйича Будапешт конвенцияси (23.11.2001 й. Будапешт) (Ўзбекистон аъзо бўлмаган),
- Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишдаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув (28.09.2018й. Душанбе) ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Мазкур жиноятлар ўз навбатида тури хил номланади.

- кибержиноятлар;
- ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар;
- ахборот технологияларидан фойдаланиб, содир этилган жиноятлар;
- электрон жиноятлар ва бошқалар.

Ахборот технологияларининг кенг миқёсда ривожланиши бир вақтнинг ўзида кўп турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон яратди, ўз навбатида ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш ва уларни олдини олишда юқори билим ҳамда касбий тайёргарликни талаб килмоқда. Шундай қилиб, "ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят" компьютерлар ҳамда маълумотларни қайта ишлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноий қилмиш бўлиб, бунинг учун қонунчиликда жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Шу боис, фуқаролар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар тўғрисида маълумотларни тарқатиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

Ахборот технологияларининг доимий ривожланиши ҳамда Интернетнинг пайдо бўлиши билан "Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар" тушунчаси шаклланди. Электрон жиноятларнинг асосий фарқи шундаки, уларнинг баъзилари компьютер ёрдамида (компьютер жиноятлари), бошқалари Интернет (кибержиноятлар) орқали содир этилади.

Электрон жиноят шакллари кўп қиррали бўлиб, технологиялар ва Интернетнинг доимий ривожланиши билан тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, ушбу жиноятларни аниқлаш ва фош этишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд бўлиб, улардан бири фуқароларнинг ўзига нисбатан содир этилган компьютер ҳукуқбузарлиги тўғрисида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришни истамасликлари ҳамда компьютер жиноятларига дуч келганда ҳукукий билимлари етарли эмаслиги билан боғлиқлигини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизнинг устувор йўналишларига киритилган компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, маълумотларни узатиш тармоқлари, Интернет хизматлардан фойдаланиш ривожланиб модернизациялашмоқда. Меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган тадбирларни амалга оширилиши миллий ахборот тизимлари, ресурсларини яратишни, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ҳаёти ва иқтисодиётга компьютер техникаси ҳамда ахборот технологияларини оммавий жорий этилиши учун шароит яратиш, жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлайди. Ушбу муҳим қарорларни қабул қилинишига жамият ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида тезкор ахборот алмашинувига, дунё ахборот захираларидан фойдаланишга бўлган талаб, таълим жараёнлари ва инсонларнинг кундалик ҳаётини компьютерлаштириш зарурати ҳамда ахборот ҳамда маълумотлар базаларининг хавфсизлигини таъминланишга бўлган талаби асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хозирги шиддат билан ривожланаётган бир вақтда республикамизда олиб борилаётган турли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг иқтисодиёти кундан кунга юксалмоқда, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончи тобора ортиб бормокда.

Аммо ушбу ислохотларга ўзининг кенг қамровлилиги билан ажralиб турувчи фирибгарлик жиноятлари жуда катта зарап келтирмоқда. Шу ўринда мазкур жиноятларнинг содир этилиш усулини ўрганганимизда, уларнинг аксарияти ахборот коммуникация технологиялари орқали содир этилган ёки ушбу турдаги жиноятлар содир этилиши учун имконият ҳамда шарт-шароит яратилган. Биргина мисол, биткоинлар билан муаммо, интернет оламидан келадиган "бой бўлишни хоҳлайсизми" деган реклама

кўринишидаги аслида хийла ва найрангни ўз ичига олган тузоклар ҳаётимизда ҳар куни учраб туради.

Ҳозирги кунда бу фирибгарликнинг замонавий кўринишларидан бири “киберфирибгарлик” ёки “интернет фирибгарлик” деган тушунча авж олиб бормоқда. Умуман олганда ушбу тушунча бизнинг қонунчилигимизда назарда тутилмаган ва фақатгина Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси иккинчи қисми “в” бандида **“компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб”** фирибгарлик жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Энг қизиги, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми “в” банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш. к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши, бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сакланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги, агар шахс компьютер техникаси ёрдамида қалбаки хужжат тайёрлаб, сўнгра ундан мулкни қўлга киритиш учун фойдаланган бўлса, қилмишни ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми “в” банди билан квалификация қилиб бўлмаслигига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тушунтириш берилган бўлиб, иккала ҳолатда ҳам компьютер техникаси воситалари деганда айнан қандай воситалар тушунилиши кераклиги амалдаги қонунчилигимизда аниқ белгилаб кўйилмаганлиги бу борада амалиётда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, “киберфирибгарлик” тушунчаси ва бундай жиноятларни тергов қилиш механизми амалдаги жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонунчилигимизда назарда тутилмаганлиги бу борада нормаларни қайта кўриб чиқишиңи тақозо этмоқда.

Баъзи олимлар “киберфирибгарлик” хақида турлича тушунтириш берган. Хусусан, Интернетдаги фирибгарлик, фойдаланувчиларини алдашга қаратилган киберхужум бўлиб, махфий маълумотларни ўғирлаш, хаккерлик орқали ноқонуний равишда тизимга кириб, шахсий маълумотларни ҳар қандай усулда фойдаланишга қаратилган “Нигерия ҳарфлари” (Нигерийские письма), “фишинг”, “вишинг”, “фарминг” каби турга эга бўлган жиноят эканлиги ҳақида фикр юритадилар.

Бошқа бир гурух олимлар фикрича, “киберфирибгарлик” фойдаланувчининг шахсий маълумотларини ўғирлаш орқали моддий ёки бошқа зарап етказиш учун мўлжалланган

киберхужумнинг бир тури бўлиб, унинг “фишинг”, “скимминг” каби турлари мавжудлигини таъкидлайдилар.

“Киберфирибгарлик” бу ахборот технологиялари соҳасидаги банк карталари, тўлов реквизитлари, паролларни ўғирлаш, вируслар тарқатиш, компьютер тизимларини бузиш орқали содир этиладиган жиноятдир.

Олим В.К.Барчуковнинг фикрига кўра, “киберфирибгарлик” компьютер фирибгарлиги бўлиб, у ички маълумотлардан фойдаланган ҳолда алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали бирорвнинг мулкига тажовуз қилишдир.

Д.А.Зыкованинг фикрича эса, “киберфирибгарлик” жинояти компьютер технологиялари ёрдамида фирибгарлик, ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзга шахснинг пул маблағларини ўзлаштириш, унинг мулкига заар келтириш ва ушбу мулкка эга бўлиш хисобланади.

Олим М.А.Ефремова ҳам “киберфирибгарлик” тушунчасини “компьютер маълумоти орқали фирибгарлик қилиш” тушунчаси билан бир хил эканлигини ва уларнинг синоним ҳисобланишини таъкидлайди.

Фикримизча, юқоридаги олимларнинг фикрларида жон бор, ҳақиқатан ҳам “киберфирибгарлик” ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади ва ўзга шахснинг мулкига ушбу шахснинг ишончига кириш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан эга бўлишга қаратилган бўлади.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизда манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ходисалар ҳамда жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар (ахборот), ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усувлар ҳамда жараёнлар ахборот технологияси ҳисобланади.

Шунга кўра, ахборот технологиялари ва коммуникациялари ёрдамида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган хуқуқни қўлга киритиш орқали ушбу шахсга заар келтиришида ифодаланган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиidi билан “киберфирибгарлик” деб топилади.

Умуман олганда, киберфирибгарликни содир этилиш шаклларига қараб, унинг турларини ҳам хилма-хиллиги ва содир этилиши усули ҳамда жиноятнинг объектига қараб ушбу жиноятни квалификация қилиш мумкин.

Улардан энг кенг тарқалгани банк пластик карталарини қалбакилаштириш орқали содир этиладиган “киберфирибгарлик” бўлиб, у шахсий маълумотларни, банк пластик

карталарни ўғирлаш, уларни қасдан йўқ қилиш, интернет ёки телефон алоқаси орқали алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш, пластик карталарнинг дубликатларини тайёрлаш, ўзаро икки томонлама сунъий битимлар тузиш, банкоматдан пластик карталарни ёки уларнинг махсус пароль (код)ларини ўғирлаш, орқали содир этилса, иккинчи тури депозитларни қалбакилаштириш банк ҳужжатларидағи расмий омонат миқдорларини сунъий равишда камайтириб кўрсатиш, мижознинг депозит ҳисоб варагидан маблағларни чиқариб олиш орқали, учинчи тури кредит фирибгарлиги ўзга шахснинг паспорт маълумотлари бўйича кредитни қайта ишлаш, пул маблағларини бошқа одамларнинг ҳисобварагларига ноқонуний ўтказиш орқали, тўртинчи тури ҳисобланган нақд пулни бошқариш хизматидаги фирибгарликлар қалбаки банкнотлар тайёрлаш, мижознинг банк ҳисобварагидан турли хил ажратмалар орқали содир этилади.

Айнан мана шу қилмишларни амалга ошириш учун замонавий ахборот технологиялари яратилганини бу борадаги ишларнинг амалга оширилишини осонлаштиради, хусусан, скимминг – маълумотларни ўғирлаш учун мўлжалланган курилма бўлиб, у банкоматлар ёки савдо нуқталарида ПОС-терминалларнинг видеокамерасига бириклирилган бўлади ва у банк картаси тақдим этилаётганида, у тақдим этилган пластик картанинг пароль (код)идан тортиб, ушбу пластик картага оид барча маълумотларнинг жиноятчи қўлига келиб тушишини таъминлайди. Фишинг эса, интернетдаги фирибгарликнинг яна бир тури бўлиб, унинг мақсади фойдаланувчининг шахсий маълумотлари бўлган логин ва паролларини қўлга киритиш ҳисобланади, бунга эса у банклар номидан электрон почта хабарларини оммавий юбориш орқали амалга оширилади.

Интернет ёки махсус техник қурилмалар орқали депозитларни қалбакилаштириш жинояти ҳам киберфирибгарликнинг бир тури бўлиб, у амалиётда кам учраса-да, бироқ ўзининг зарар келтириш хавфи жиҳатидан жуда катта ҳамда ҳалокатли ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Ушбу жиноят асосан банк ходимлари ёки пул маблағларини бир ҳисоб варакдан иккинчисига ўтказиш учун масъул бўлган ходимлар томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур жиноят банк ходимларининг мижознинг ҳисобварагига пул ўтказиш ўрнига, уни ўзларига олиб қолишларида намоён бўлади. Бунда банклар бизнес жараёнларини фирибгарликни минималлаштирган тарзда лойиҳалаштирадилар, аммо ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган ходимлар ўзаро келишиб олишлари натижасида ушбу жиноят онгли тарзда амалга оширилади.

Мазкур ҳолат кундалик ҳаётимизда ҳам амалга оширилиши мумкин, мисол учун биронта шахс банк орқали тўловни амалга ошириб, тўлов учун нақд пул маблағини берди,

пул қабул қилиб олаётган шахс мазкур пул маблағининг банкнинг ҳақиқий ҳисобрақамига келиб тушишини таъминлаш ўрнига, пулни қабул қилувчи масъул ходим билан ўзаро келишиб, уларни назорат қилувчи шахсни эса ўзларига шерик қилишади, натижада аслида кирим бўлган маълум бир пул маблағи ўз жойига келиб тушмайди. Бунинг асосий ва характерли жиҳати шунда-ки, жиноятчилар ушбу жиноятни ахборот-коммуникацион технологиялари орқали амалга оширадилар.

Киберфирибгарликнинг кенг тарқалган турларидан яна бири, кредит фирибгарлиги жинояти ҳисобланади. Бунда жабрланувчига тегишли маълумотлар, шунингдек паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган ўзга шахс жабрланувчининг номига кредит шартномасини расмийлаштириш орқали банкдан тегишли пул маблағларини ечиб олади ва бунинг оқибатида нафакат жабрланувчига, балки банкка ҳам жиддий зарап ва зиён етказилади.

Накд пул хизматлари орқали амалга ошириладиган киберфирибгарлик жинояти накд пул ечишга ихтисослашган банкоматлар ва касса аппаратларининг етишмовчилиги натижасида касса аппаратида ўтирган ёки масъул ходимлар ўзаро келишиб мазкур жиноятни биргалиқда амалга оширадилар.

Бир сўз билан айтганда, ахборот технологияларининг турфалиги оқибатида киберфирибгарликнинг турлари ҳам кундан-кунга қўпайиб, энг хавфли тарафи ушбу ижтимоий хавфли қилмишлар оқибатида келиб чиқаётган зарап микдори бир неча бор юқорилиги, бу борада изчил ишлар амалга ошириш зарурлигини тақозо этмай қўймайди.

Барча жиноятларнинг умумий характеристи каби, мазкур ижтимоий хавфли қилмиш ҳам жиноийликни акс эттирувчи белгиларига эга бўлиб, унинг **объекти** ўзга шахснинг мулки ва (ёки) мулкий хуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

Мазкур жиноятнинг **субъекти** эса, юридик жиҳатдан бошқа фирибгарлик жиноятлари каби 16 ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланса-да, фикримизча фактик жиҳатдан бундай жиноятларни 16 ёшга тўлмаган, аммо ахборот технологиялари ҳамда коммуникациялар бўйича маҳсус билимга эга шахслар ҳам бўлишлари мумкин.

Бунинг сабаби шахс 16 ёшга тўлмаган бўлиши мумкин, аммо ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ўзининг ғаразли ҳамда бошқа паст ниятларда ишлатиш бўйича маҳсус билимга эга мутахассис бўлиши оқибатида ўзга шахсга нисбатан ушбу жиноятни амалга оширишга қурби етиши мумкин. Фикримизча, айнан мазкур тоифадаги жиноятлар учун субъект ёшининг камайтирилиши, аввало бу соҳада латент

жиноятларнинг олдини олиш ҳамда камайишига ҳамда ушбу борада киберхавфсизлик таъминланишига олиб келади.

Субъектив томондан ушбу жиноят тўғри қасд билан қамраб олинган ҳолда амалга оширилиб, бунда жиноятчи ўзи томонидан содир этилаётган жиноятнинг қандай оқибатларга олиб келишини онгли равишда англайди ва ушбу оқибатлар бўлишини истайди.

Объектив томондан жиноят алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан амалга оширилади ҳамда бунда алдаш мисол учун киберфирибгарликни амалга ошириш усули сифатида рекламада бой бўлишни фойдаланувчига билдириш ва унинг пул маблағларини алдов йўли билан жиноятчи ўз ихтиёрига олиб қўйишида кузатилади.

Мазкур ҳолатни янада аникроқ кўриб ўтадиган бўлсак, умумレスпублика процессинг маркази мижозларини “Uzcard” брендни ишлатилган киберфирибгарлик хақида огоҳлантирган бўлиб, унинг баёнотига асосан “Uzcard” брендидан киберфирибгарлик мақсадида расмий сайт интерфейси кўчириб олиниб, бонуслар олиш учун карта рақамини киритиш таклиф қилинган.

Ишончни суиистеъмол қилишда эса, фойдаланувчи ўзининг пул маблағларининг кўпайиши учун ўз хоҳишига асосан ишониб пул маблағини сақловчига топширади ҳамда сақловчи эса ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда ишониб топширилган мулкка ёки мулкий ҳуқуқларга эга бўлади.

Киберфирибгарликнинг предмети ҳам фирибгарлик предмети каби ўзга шахснинг мулки ёки мулкий ҳуқуқларидир.

Мазкур жиноятлар ўзининг кенг қамровлилиги бўйича алоҳида ажралиб туриши, бу каби жиноятлар жуда катта заарга олиб келиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур жиноятлар учун жавобгарликни жиноят қонунчилигимизда алоҳида моддада белгилаш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 10-моддасига асосан, қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиш шартлиги кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 4-моддасига кўра, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишида жазога тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Қолаверса, ушбу Кодекснинг 14-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят деб топилиши ҳам қайд қилинган.

Кодекснинг 16-моддасига асосан, ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши таъкидланган.

Кўриб турганимиздек, жиноят қонунчилигимизда киберфирибгарлик жинояти тушунчаси ва унинг учун жавобгарлик белгилаб қўйилмаганлиги, бу борадаги ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррар эканлигини кўрсатиш ҳамда мулкдорлар ҳукуқлари кафолатланиши таъминланишлиги амалда ўз исботини топиши учун ҳам мазкур тоифадаги жиноятлар учун алоҳида жиноят қонунчилигимизда жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни жавобгарликка тортишимиз учун бу каби жиноятлар учун жавобгарлик белгиланмаганлиги ҳамда қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай қилмиш жиноят ҳисобланмаслигини эътиборга олиб, қолаверса, юқорида таъкидлаб ўтган хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда киберфирибгарлик учун ЖКнинг 168-моддасига қўшимча модда ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарорига асосан янги таҳрирда ишлаб чиқилаётган ЖКга алоҳида модда қўшган ҳолда, амалдаги ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми “в” бандини ушбу Кодексдан чиқариб ташлаш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони билан ваколатли давлат органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусий мулкнинг дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва янада қўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги нормаларини сўзсиз ижро этиш ва уларга қатъий риоя қилиш бўйича шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилганлиги, хусусий мулкдорларга уларнинг ҳукуқларини бузган

холда зарар етказилишига, шу жумладан мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ҳамда (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка, жумладан аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасдан номақбул шартларни, шу жумладан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишига мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат (контроль) ўрнатилганлиги жиҳатидан ҳам хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш зарурлигини инобатга олиб, киберфирибгарликка қарши қурашиш борасида юқоридаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Киберфирибгарлик бўйича жиноий жавобгарликнинг белгиланмаганлиги туфайли ҳозирги кунга қадар ушбу соҳада бир қатор муаммолар кўплиги, Олий суд Пленумининг тегишли тушунтириши мавжуд эмаслиги, бу борада муаммолар ўз ечимини топишида қийинчиликлар мавжуд бўлиб, мазкур турдаги жиноятнинг жиноят қонунчилигига киритилиши ушбу соҳада ҳам Олий суд Пленумининг қарори қабул қилиниши зарурлигини, Пленумда бундай жиноятларнинг бошқа фирибгарлик жиноятларидан фарқли хусусиятлари, ушбу жиноятларнинг турлари, содир этилиш шакл ва усуллари, уларни аниқлаш ҳамда процессал малакалашнинг ўзига хос жиҳатлари, шу билан бирга мазкур жиноятлар учун жазо ва жавобгарликнинг муқаррарлик чоралари қай тарзда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқлиги, ушбу жиноятларнинг предмети ва обьектини аниқ белгилаб қўйиш таклиф қилинади.

Мамлакатимизда киберфирибгарликнинг минимум даражага етиши ҳозирги шиддат билан олиб борилаётган рақамли иқтисодиётга оид ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириб, бу борада халқимизнинг ахборот технологияларига нисбатан ишончи ҳамда онгини ортиб боришга хизмат қиласи. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан химоя қилишдир. Мазкур ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад, ички ишлар органлари маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш ҳисобланади.

Ахборот технологиялари ташкилий бошқарув ахборот тизимларининг асосий ташкил этувчиси ҳисобланади, у бевосита Ички ишлар органларининг бўлинмалари иш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Ички ишлар органларида

электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ва фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсон фаолиятининг кўпгина жабҳаларини қамраб олган ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёни ички ишлар органларини ҳам «четда қолдирмади». Компьютер технологиялари хукуқшуноснинг асосий «мехнат қуроли»га айланди десак муболага бўлмайди. Шу билан бирга, компьютер технологиялари жиноятчилиги деб номланаётган ижтимоий хавфли қилмишда, мазмuni жиҳатдан маълумотларни ноқонуний ўғирлаш, нусха олиш ва тарқатиш билан боғлик бўлган жиноятларнинг янги тури пайдо бўлди. Кўриниб турибдики, тараққиёт ички ишлар органларида фаолият юритаётган мутахассисдан замонавий ахборот технологиялари ва ахборот маданиятига оид билимга эга бўлиш ҳамда зарурий тайёргарликни талаб этмоқда.

Замонавий мутахассиснинг малакаси компьютерда ишлашининг асосий тамойили ва қурилмаларини яхши тушуниши, маълумотларни йиғиш, сақлаш ҳамда қайта ишлашнинг, жумладан телекоммуникация (компьютер тармоғи) ва сунъий интеллектнинг замонавий тамойилларини билиши билан белгиланади.

Маълумки, бошқарув маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёни билан бевосита узвий боғлик. Бошқарувчидан ижрочига бошқарув маълумоти ҳамда буйруқлари келиб тушади, ўз навбатида ижрочидан бошқарувчига сўралган керакли маълумот юборилади. Шу сабабли бошқарувни амалга ошириш маълумотларни қайта ишлашдан, бошқарувнинг самарали натижаси эса – ахборот жараёнларининг тўғри ташкил этилишидан иборатdir.

Ички ишлар органларида бошқарув фаолияти ва бевосита жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ҳамда тергов ҳаракатларини олиб бориш, жамоат тартибини сақлаш, маҳкумларни қайта тарбиялаш билан шуғулланувчи ходимлар меҳнатига хос умумий ва фарқловчи хусусиятлар борки, булар – маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, улар асосида тизим олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун турли бошқарув қарорларини ишлаб чиқишидир.

Ички ишлар органлари ходимининг ахборот билан ишлаши улар бажарадиган турли хил ишларнинг мазмунига кўра аниқланади. Масалан, жиноят-қидириув хизматининг тезкор вакили ёки профилактика инспектори содир этилган хукуқбузарлик ва ижтимоий хавфли қилмиш юзасидан фуқароларнинг аризаларини тегишли тартибда олиш ва текшириш, терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш, хизмат қўрсатаётган худуддаги тезкор вазиятни ўрганиш ҳамда криминоген вазиятни тўғри баҳолаш, ишларни режалаштириш ва бошқа вазифаларни бажаради. Шундай қилиб, ички ишлар органлари

кўпчилик ходимларининг меҳнати маълум миқдорда хабар ва бошқарув ахборотларини қайта ишлашдан иборатдир. Ахборотларга ишлов бериш мазмунан маълумотларни таҳлил ва синтез қилишдан иборат. Ички ишлар органларида хукуқий ахборотнинг турларидан хисобланган тезкор қидирув маълумотлари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумотлардан фойдаланиб, хукуқбузарларга қарши курашиш жараёнида ички ишлар органлари ходимлари бажариши лозим бўлган биринчи галдаги вазифа бу – маълумотнинг олиниш манбаидир. Умуман олганда, маълумотларни олиш икки йўл билан амалга оширилади: а) юз берган ёки юз бераётган воқелик ходим томонидан бевосита асослантириш орқали, яъни ходим зарурӣ маълумотни ўзи олади; б) маълумот билвосита олинади.

Тезкор вазиятни баҳолаш қабул қилинаётган қарорларнинг тўликлиги ва тўғрилиги, тадбирнинг режа бўйича йўналтирилганлиги, ижрочига топширилаётган вазифанинг аниқ ва равшанлиги, назорат қилиш ҳамда жиноятларни очишнинг самарадорлиги, маълумотларнинг миқдори ва ишончлилигига узвий боғлиқдир.

Ички ишлар органларида хизмат қилаётган тезкор ходимлар фойдаланишлари учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармаси «Ўзбекистон ахборотларни интеграллаштириш банки» деб номланган маълумотлар базасининг тармоғи ишламоқда. Ушбу тармоқ таркибида республика ҳамда МДҲ давлатлари бўйича қидирудаги

ва бедарак йўқолган шахслар, рўйхатга олинган ҳамда қидирудаги автотранспорт воситалари, ўғирланган ёки йўқолган қурол-аслаҳалар, йўқолган рақамли буюмлар, телефон рақамлари хақидаги маълумотлар жамланган. Мазкур тизим ички ишлар органларида корпоратив компютер тармоғини кенгайтириш ва ундан фойдаланишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармаси жиноят содир этиб судланганлар ёки жазога тортилган шахслар, қидирудва юрган жиноятчилар, бедарак йўқолганлар, шахси номаълум мурдалар хақидаги маълумотларни тўплаш билан шуғулланади. Бу йўналишда жиноятчи ва гумон қилинувчи шахсларнинг ташқи тузилишлари, улардаги нуқсонлар, алоҳида белгилар ва ҳар хил татуировкалар бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими фаолият қўрсатмоқда. Йигилган маълумотлар таҳлил қилиниб, олинган натижалар асосида турли тезкор профилактик тадбирлар режалаштирилади ва ўтказилади.

Вилоят ички ишлар бошқармаларида Ахборот марказлари бир неча йўналишлар бўйича фаолият олиб боради. Жумладан, статистика гуруҳи вилоятда содир этилаётган

кунлик ҳодисалар ва жиноятларга доир таҳлилни амалга оширади. Ушбу хизматнинг маълумотлар базасидан ички ишлар органларини қизиқтирган ҳар қандай маълумотни топиш мумкин. Шу боис ушбу хизмат ходимлари фаолияти билан ички ишлар органлари бошқа бўлинмаларининг фаолияти ўртасида узвий боғлиқлик, алоқа ўрнатилган. Чунки, мана шу жойда барча турдаги жиноятларнинг микдори, аввал судланган фуқаролар, гиёхвандлик моддалари билан шуғулланувчи шахсларнинг туар жойлари, транспортни олиб қочиш, босқинчилик, талончилик ва бошқа турдаги жиноятлар ҳакидаги маълумотлар қайд қилинади. Вилоят ички ишлар бошқармалари Тезкор маълумотлар бўлинмалари ходимлари бошқа вилоятлар билан ҳимояланган тармоқ орқали ахборот алмашинувини амалга оширадилар. Йиғилган янги маълумотлар Республика ИИВда умумлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш кўрсатиб берилди.

Устувор йўналишлар назарда тутилган Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастирида ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланган.

Хозирги кунда Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИБ ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаларининг Ахборот марказлари замонавий компьютерлар ҳамда бошқа техник воситалар билан таъминланганлиги сабабли жиноятларнинг фош этиш натижалари юқори бўлиб, айборларнинг шахсини аниқлашда тезкорликка эришилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган қатор ижтимоий хавфли қилмишлар доирасида, жиноятнинг оғирлаштирувчи белгиси сифатида назарда тутилган белгилар қаторида, ушбу жиноятларни ахборот технологияларидан фойдаланиб, компьютер техникини орқали содир этилиши, шунингдек, ЖКнинг XX¹-бобида айнан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар киритилганлиги ҳам бежиз эмас. Бу каби жиноятларнинг классик кўринишдаги жиноятлардан асосий фарқли жиҳати, қилмишнинг замон ва макон билмаслигида ҳамда уни содир этган шахс айнан шуни сезган ҳолда, жиноят содир этиб, шахс, жамият ёки давлатга моддий ҳамда маънавий зарар етказишни хоҳлайди.

Шу сабабли, жамиятимизда бу каби жиноятларга қарши қурашиш учун дастлаб юқорида қайд этиб ўтилган жиноятларнинг содир этилиш механизми, жиноятни содир этилиши йўл қўйган имкон, сабаб ва шарт-шароитларни чуқур таҳлил қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://iiv.uz/oz/news/axborot-texnologiyalari-sohasidagi-jinoyatlar-va-ulardan-himoyalash-usullari>
2. Интернет сайтидан: <https://psm7.com/glossary/kak-borotsya-s-kibermoshennichestvom.htm>
3. Барчуков В.К. Терминология мошенничества в сфере компьютерной информации. – М.: Пробелы в российском законодательстве. № 4. 2017 г. – С. 163-165.
4. Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компьютерного мошенничества. дис. ... канд. юрид. наук. Владимир, 2002. – 211 с.
5. Ефремова М.А. Мошенничество с использованием электронной информации // Информационное право. 2013. № 4. – С. 19 21.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон. 309
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини кўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.08.2019 й., 06/19/5780/3559-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирининг “Ички ишлар органларида электрон хужжат айланиши тизимини жорий этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2015 йил 19 апрель 64 – сон буйруғи.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 10 апрелдаги Фармони. <http://Lex.uz>